




# ЎЗБЕКИСТОН ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТАРАФДОРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди.



Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко раислигида ўтган учрашувда Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳам қатнашдилар. ЕОИИ қузатувчи давлатлари раҳбарлари — Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён иштирокчиларга видеомурожаат йўлладилар. Таклиф қилинган давлат вакили сифатида тадбирда Индонезия Республикаси савдо вазири Буди Сантосо иштирок этди.

Кун тартибидан кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, транспортни ривожлантириш ва ўзаро ҳамкорлигининг устувор йўналишларида кўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон Президенти нутқининг авалида ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади.

Кейинги тўрт йилда кузатувчи давлат мақомидаги ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг иттифоқ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қарийб икки бараварга ошди ва 20 миллиард долларга яқинлашди.

Савдо, саноат, молия тизими, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 га яқин чора-тадбирларни ўз ичига олган Евроосиё иқтисодий комиссияси билан 2026 йилгача ҳамкорлик режаси тизимли равишда амалга оширилмоқда. Келгуси йилда кўшма Ишчи гуруҳининг бешинчи йиғилишини Тошкентда ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон савдо ва юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳаларида ЕОИИнинг бир қатор тармок дастурларида фаол иштирок этмоқда.

Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг бу галги йиғилиши доирасида Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасида божхона чегаралари орқали ўтказилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотни алмашиш тўғрисида битим тузиш юзасидан музокараларни бошлаш қарори қабул қилинди.

— Ишончимиз комил, чегараларро маълумотлар алмашинуви божхона назорати самарадорлигини оширишга,

кечкишларни камайтиришга ва транспорт тизимларимизни Евроосиё йўлакларига интеграция қилишга хизмат қилади, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг устувор йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ўзаро товар айирбошлашда савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этиш муҳимлигини таъкидлади. Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария стандартларига ёндашувларни уйғунлаштириш учун МДҲ ва ЕОИИ институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шу маънода, Ўзбекистон етакчиси ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш ва талабларни бирхиллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклифини билдирди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, сертификатлаштириш ва божхона маъмурчилигидаги тафовутлар билан боглиқ масалаларни тезкор ҳал этиш учун тариф ва нотариф тўсиқлар бўйича “Ўзбекистон — ЕОИИ” қўшма Мувофиқлаштирувчи гуруҳини ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Саноат соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида мамлакатимиз раҳбари машинасозлик, энергетика, агро-саноат мажмуи, кимё ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар рўйхатини биргаликда тузишни таклиф қилди.

Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиши муносабати билан ҳамкорлигининг стратегик йўналишларини биргаликда белгилаш ҳамда устувор инфратузилмавий ва “яшил” лойиҳаларни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни қамраб олган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ташаббуси билдирилди.

Рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон Президенти божхона маъмурчилигини рақамлаштириш ва юк ташишда “узлуксиз” моделга ўтиш масалалари устувор вазифа эканлигини қайд этди.

— Рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни ЕОИИ билан биргаликда тайёрлашни таклиф этамиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон ЕОИИнинг, энг аввало, биотиббейт, янги материаллар, агротехнологиялар, энергетика ва робототехника йўналишларидаги технологиялар платформаларига қўшилишдан манфаатдор.

Туризм алмашинуви рағбатлантириш ва туристик маҳсулотларнинг ўзаро боглиқлигини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон туризм соҳасида интеграциялашган ахборот ресурсларини шакллантириш ишларига қўшилишга ҳам тайёрлигини билдирди.

Яқунда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга қатъий интилишини яна бир бор тасдиқлади.

Россия Федерациясига амалий ташриф доирасида Н.А.Римский-Корсаков номидаги Санкт-Петербург давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонга Лев Толстой номидаги Халқаро тинчлик мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин хузурида халқаро мукофотини унинг ҳайъати раиси, Маринский театри бадиий раҳбари ва бош директори, Россия Катта театри бош директори, дирижер Валерий Гергиев топширди.

Уч мамлакат етакчилари ушбу нуфузли мукофотга Марказий Осиё минтақасида

тинчлик ва хавфсизликни мустақамлашга қўшган улкан шахсий ҳиссаси учун сазовор бўлдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарориде таъкидланганидек, 2025 йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида учта давлат раҳбарлари Давлат чегараларининг туташган нуқтаси тўғрисидаги шартнома ва Абдий дўстлик тўғрисидаги Хўжанд декларациясини имзоладилар ва шу билан халқаро ҳуқуқ устуворлигига асосланган умумий ва баробар хавфсизликни таъминлаш, халқлар ўртасида ўзаро англашув ҳамда ҳамкорликни мустақамлашга катта ҳисса қўшдилар.

Ушбу мукофот инсонпарварлик ғояларига садоқатни ифодалаш ва Марказий Осиёни тинчлик, фаровонлик ҳамда бунёдкорлик маконига айлантириш йўлидаги умумий ҳиссанинг эътирофи экани таъкидланди. Биродар Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилиши уч мамлакат халқларининг сиёсий иродаси, ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка интилиши туфайли бўлгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Авваламбор, Россия Федерацияси Президенти хурматли Владимир Владимирович Путинга меҳмондўстлик ва бугунги учрашувимизни аъло даражада ташкил этгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Беларусь томонининг, Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенконинг Евроосиё иқтисодий иттифоқида самарали раислигини алоҳида қайд этмоқчиман. Бу даврда кўп томонлама амалий ҳамкорлик янги суръат касб этди.

Глобал бозорларнинг тобора парчаланиб бораётгани, логистика занжирларининг мураккаблашганлиги ва инвестиция ресурсларини тақсимлашда устувор йўналишларнинг ўзгараётгани шароитида биз учун стратегик ва табиий шерикларимиз бўлган Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан прагматик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш принципиал аҳамият касб этмоқда.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари! Кузатувчи давлат мақомидаги ҳамкорлигининг сўнгги тўрт йилида Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси қарийб икки баробар ошди.

Иқтисодий алоқалар таркибида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши ортиб бораётгани, кооперация лойиҳалари кенгайиб бораётгани барқарор суръат кўрсатаётгани айниқса муҳимдир.

Бу ҳамкорларимиз ишлаб чиқариш занжирларини мустақамлашдан чинакам манфаатдорлигини акс эттиради.

Ўзбекистон Евроосиёнинг асосий форматларида фаол иштирок этмоқда.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан савдо, саноат, молия, аграр саноат ва транспорт соҳаларида 40 га яқин аниқ тадбирларни ўз ичига олган уч йиллик режа амалга оширилмоқда.

Кўшма Ишчи гуруҳ форматидеги ишлар давом этмоқда: унинг бешинчи йиғилишини келгуси йилда Тошкент шаҳрида ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Шунингдек, ЕОИИнинг электрон савдони ривожлантириш, юк ташишни рақамлаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича тармок дастурларида иштирок этмоқдамиз.

Ўзбекистон ва ЕОИИ божхона чегаралари орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида ахборот алмашиш борасида битим тузиш бўйича музокараларни бошлаш ҳақидаги қарор қабул қилинганлини олқишлаймиз.

Ишончимиз комилки, трансчегаравий маълумотлар алмашинуви божхона назорати самарадорлигини ошириш, кечикишларни камайтириш ва транспорт тизимларимизнинг Евроосиё йўлакларига интеграциялашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиши ҳамкорлигини мустақамлашда муҳим босқич бўлди. Банк билан биргаликда инфратузилма, энергетика, металлургия, кимё ва бошқа тармокларда истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Хурматли ҳамкасблар! ЕОИИ билан ҳамкорликни кенгайтириш

борасидаги устувор йўналишларимизни қисқача айтиб ўтмоқчиман.

**Биринчи.** Савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этиш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария меъёрлари борасидаги ёндашувларни яқинлаштириш мақсадида МДҲ ва ЕОИИ институтлари ўртасидаги мувофиқлаштиришни фаоллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш ва талабларни бирхиллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, сертификатлаш ва божхона маъмурчилигидаги тафовутлар билан боглиқ масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида тариф ва нотариф тўсиқлар бўйича “Ўзбекистон — ЕОИИ” қўшма Мувофиқлаштирувчи гуруҳини ташкил этиш таклиф этамиз.

**Иккинчи.** Саноат кооперациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Машинасозлик, энергетика, агро-саноат мажмуи, кимё ва бошқа тармоклардаги лойиҳалар рўйхатини биргаликда шакллантириш зарур.

Ўзбекистоннинг ЕТТБга қўшилиши муносабати билан шерикликнинг стратегик йўналишларини биргаликда белгилаб олиш ҳамда устувор инфратузилмавий ва “яшил” лойиҳаларни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни қамраб олган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ишончимиз комилки, Банк нафақат молиялаштириш манбаи, балки интеграция лойиҳаларига инвестицияларни жалб қилиш катализаторига айланиши мумкин.

**Учинчи.** Рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш ниятидамиз. Рақамли платформаларни, жумладан, электрон тижорат ва рақамли маркировкалашни ўзаро боглаш бўйича ЕОИИ билан “йўл харитаси”ни тайёрлашни таклиф этамиз. Божхона маъмуриятчилигини рақамлаштириш ва юк ташишнинг “чоксиз” моделига ўтишни ҳам устувор вазифа сифатида кўраёмиз.

**Тўртинчи.** Биз ЕОИИнинг биотиббейт, янги материаллар, агротехнологиялар, энергетика ва робототехника каби йўналишларни қамраб олувчи технологик платформаларига қўшилишдан манфаатдоримиз.

**Бешинчи.** Туризм соҳасида интеграциялашган ахборот ресурсларини шакллантиришга ҳам қўшилишга тайёрмиз.

Бундай ёндашув мамлакатларимиз туристик маҳсулотларининг ўзаро боглиқлигини таъминлаш имконини беради.

Хурматли дўстлар! Ўзбекистон ЕОИИ билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоридир.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга Бирлашма раислик Қозоғистонга ўтиши муносабати билан муваффақиятлар тилайман.

Барчангизни ва биродар халқларимизни кириб келаятган Янги йил билан яна бир бор самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман. Ўзбекистоннинг ушбу раҳмат.



# ИШОНЧ ВА РАҒБАТНИ ИМКОНИЯТГА АЙЛАНТИРАЁТГАН ЗАМОНДОШЛАР — БУГУНГИ КҮН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Мамлакатимизда барча соҳаларда кечаётган шиддатли ислохотлар доирасида камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилалар билан ишлаш ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Йиллар давомида юртимизда камбағаллик масаласи деярли тилга олинмаган, мавзу ёпиқ бўлган. Кейинги йилларга келибгина, бу масала очиқ муҳокама­ларга олиб чиқилди ва уни бартараф этиш бўйича туб ислохотлар бошланди. Ушбу тоифадаги оилаларни камбағалликдан чиқариш, барқарор даромад манбаига эга қилиш, касбга ўргатиш, тадбиркорликка йўналтириш ва манзилли кўмакни йўлга қўйиш каби ишлар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурига асосан амалга оширилмоқда.

Жорий йил 19 ноябрь кунни Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш

## ЭНДИ ҲАМ ЕРЛИ, ҲАМ УЙЛИМАН



Комила ЖҲРАЕВА  
Жиззах вилояти Зарбдор тумани:

— Йиллар мобайнида 7 фарзандим билан бошпанасиз, ташландиқ жойда чайла куриб яшадик. Баъзан ейишга нон тополмай, пропискам йўқлиги учун фарзандларимни мактабда ўқита олмай, жуда тушкун кайфиятда юрган вақтларимда кун келиб, мени “Гулчи опа” деб аташларини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Чунки 6 йил олдин “Темир дафтар”да рўйхатда турар, аҳолининг ночор эди.

Бугунги кунда Зарбдор туманидаги “Зарбдор зирачаси гул кўчатларини етиштириш томорқа хизмати” МҲҲ директорини, 35 нафар доимий ишчим бор. Уттан йили “Йил аёли” танлови республика босқичида иштирок этиб, “Йилнинг энг жонкуяр аёли” номинациясида ғолиб бўлдим. Жорий йил августда эса Президентимиз фармони билан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонига муносиб қўрилдим.

Ҳозирги яшаб турган жойимиз, томорқа ҳўжалигимиз илгари ташландиқ, тақир ер эди. Айнан шу ерга келиб, кичик бир қапа тикиб яшаганимиз. Турмушдаги қийинчиликлар, тушунмовчилик ва алдовлар туфайли фарзандларим билан уйсиз, кўчада қолганимиз. Ҳолинг қандай кечаяпти, болаларнинг нима еб, нима ичяпти, қийишга қийими, ётарга жойи борми, нега аёл бошинг билан кўчада яшагилсан, қийиннинг изгирини, ёзинг жазирамасида бу ерда қандай жон сақлайсизлар деб сўрайдиган одам бўлмаган.

Беадад шукрки, сўнгги йилларда юртимизда кечаётган янгиланишлар бонис, рўшнолик кўрдим. Ҳеч кутмаганим ҳолда ҳаётимда яхши ўзгаришлар рўй берди. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман!

Олти йил олдин ўша вақтдаги туман ҳокими келиб яшаш тарзини кўрди, “Нега бундай аҳволда яшаб юрисиз, фарзандларингиз мактабда ўқимаётган экан, нима учун

борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам камбағалликни қисқартириш йўналишидаги ишлар чуқур таҳлил қилинди ва кечиктириб бўлмайдиган янги вазифалар белгиланди. Аслида, камбағаллик ва ишсизлик фақат қийналган оилаларнинг эмас, балки жамиятимизда ашаётган барчанинг умумий ташвишидир.

Ушбу мақола қаҳрамонлари ҳам янги Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар самараси туфайли ҳаёт қийинчиликларини енгиб, нафақат камбағалликдан чиқиш, балки эл-юртга нафи тегаётган тадбиркорларга айланган замондошларимиздир.

махаллага ёки бизга мурожаат қилмадигиз, маҳалла фаоллари аҳволингизни сўрамадимиз?” деган саволларни берди.

Индамадим. Зеро, йиллар давомида ёрдам сўраб мен тақиллатиб бормаган идора эшиги, кўмаклашинг, аҳволим оғир дея айтмаган мутасадди раҳбар қолмаганди. Шунинг учунми, ўша пайтларда ҳеч кимдан кўмак сўрамаганман. Ҳокимнинг “Сизга нима ёрдам қилайлик?” деган сўровига, “Менга ер беринг, меҳнат қилиб, ўзим оёққа тураман”, дедим. Шундан сўнг ер ажратиб берилди.

Давлатимиз кўмаги билан иссиқхона қурдик, болаларим билан аста-секин иссиқхоналарни кўпайтирдик. Туманда гулчилик йўналишида доимий фаолият юритувчи бирорта тадбиркор йўқлиги бонис, бу соҳага эҳтиёж бор эди. Яқинда қудуқ қазибдиқ, сув чиқардик. Унгача экинларни челақлаб сув ташиб сугорардим. Вақт ўтиб, ён-атрофни обод қилиб, мевали кўчатлар эқдим. Давлатимизнинг яна бир моддий қўллови билан икки хонали уй учун бошлангич тўлов қилдим.

Аслида, турмуш қийинчиликларидан ортиб 7 фарзандни тарбиялаш, вояга етказишнинг ўзи бўлмайдик. Ҳаётим аста-секин изга тушди, қийинчиликлар ортда қолди. Ҳозир мутасадди раҳбарлар фаолиятини доим қўлаб, кўмак бериб келяпти. Кадастр қилиш, иссиқхонани газлаштириш орқали фаолиятим анча ривожланди.

Бугун янги Ўзбекистонимизда янгиланишлар нафаси есяпти. Инсонларвар, тараққийларвар ислохотлар ҳисобига мен каби уйсиз, ишсиз, бошпанасиз одамлар ҳаётида оламшумул яхши ўзгаришлар рўй бермоқда.

Айтганча, қорхонамиз 2022 йилда фаолият бошлаган бўлса, 2025 йил бошида 100 миллион сўм кредит эвазига яна 5 гектар ер олиб, манзарали гул кўчатлари етиштиришни бошладик. Ҳозир гулларнинг 500 хилдан зиёдини етиштиряпман. Иссиқхоналарни кенгайтириб, гулчиликдан ташқари турли мевали дарахтлар етиштириш ва ички бозорда сотиш, кўкат ва резаворларнинг уруғини қадоқлаб, савдо қилишни йўлга қўйдим. Бундан ташқари, паррандачилик ва чорвачиликни ҳам изга туширяпман.

Ишсиз хотин-қизларга томорқачилик сирларини ўргатиш орқали доимий даромад манбаига эга бўлишида кўмак бериш билан бирга уларнинг маънавий оламини бойитиш учун “Зирагча” номили кутубхона ташкил қилдим.

Тўғриси, давлатимиз яратиб бераётган имкониятлар орқали 40 ёшимда камбағалликдан чиқиб, тадбиркор аёлга айландим. Асосийси, фарзандларим олий таълим муассасаларида, кичиклари мактабда ўқияпти. Давлатимиз ғамхўрлиги ва қўлаб-қувватловига жавобан эҳтиёжманд оилалар, қийналган аёлларга кўмак беришга ҳаракат қилияпман.



## ТАҚДИРНИНГ МЕНГА БЕРГАН ИНЪОМИ

— Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчисининг кўмаги ва қўлаб-қувватлови туфайли нафақат ўзим, балки оила аъзоларимнинг ҳаёти ҳам яхши томонга ўзгарди, оғир хасталикдан фориғ бўлдим. Балки бу тақдирнинг менга берган инъомидир.



Нарзулло ЗАБИХУЛЛАЕВ  
Тошкент вилояти Зангиота тумани:



Йиллар давомида отамнинг қоровулликдан топанг иш ҳақи ҳисобидан кун кечирганимиз. Оиламизда 6 кишимиз, барчамиз биргина отамнинг маошига кўз тикиб яшардик. Инсон ҳаёти бир йилда эмас, бир лаҳзада ўзгариб кетади дейишса ишонмасдим. Йўқчилик, етишмовчиликда яшашни давом эттириш мумкин эмаслигини, нимадир қилишим кераклигини ўйлардим-у, ишни нимадан бошлашни билмасдим.

Бир ёқда шифокорлар қўйган оғир ташхис, иккинчи томонда қўлимиз калталиги. 2024 йилда маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси хонадонимизга келди. Болалигимдан дизайни соҳасига қизиққан бонис, турли андозаларни чизиб ўтиргандим. Ҳоким ёрдамчиси чизмаларимни кўздан кечирав экан, нега ишламаслигини сўради. “Бетобман, онкологик касаллик билан оғирганман”,

дедим. У мени малакали шифокорларга олиб боришини айтди.

Бир неча кундан сўнг шифохонага бордик, қайта текширувлардан ўтдик. Хуллас, соғлигим тиклана бошлади.

Оз фурсат ўтмай, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида хонадонимизда бичувчилик хизмати билан шугулланишга банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Дастлаб ишимни яқка тадбиркор сифатида бошлаган бўлсам, ҳозир 20 ишчи-хизматчи билан давом эттиряпман. Уларнинг бир қисми камбағал оилалар аъзолари.

Кичик тадбиркорлигим бугун тиббиёт кийимлари тикиш ва бичувчиликка ихтисослашган оилавий қорхонага айланди. Ҳозир

27 ёшдаман, ойлик даромадим 80 миллиондан зиёд.

Бундан ташқари, олти сотихли томорқамизда шамшод ўсимлигини етиштиришни йўлга қўйдик. Донасини 65 мингдан сотамиз, олти ойда 800 дона шамшод етиштирилади. Даромадимиз ҳисобига хонадонимизни таъмирладик, турмуш шароитимизни яхшиладик, автомобил ҳам олдик. Қувонарлиси, синглим ва укамни турли тўғаракларда ўқитяпман.

Албатта, ҳаётимдаги бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмади. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар барча жабҳадаги янгиланишлар, қатта-қатта ютуқлар, биз каби миллионлаб инсонлар тақдири яхши томонга ўзгаришига асос бўляпти. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман!

## ДАВЛАТИМИЗ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВИ БИЛАН ШУ ДАРАЖАГА ЭРИШДИМ

Феруза ОЧИЛОВА  
Қашқадарё вилояти Ғузор тумани:

— Йўқчилик курсин, қора қозонни қайнатидан бошқа ташвиш ҳаёлингга келмайдиган пайтда фарзандларинг бирор тансиқ таом пишариб ёки янги кийим олиб беришининг сўраса, ғалати ҳолга тушиб қоларкансан. Сўраганини қилай десанг имконинг йўқ, вазиятни айтиб қойсанг, улар бола, тушунмаслиги мумкин, бошқа томондан, улар бу нарсаларни сўрашга ҳақли. Шундай кезлари жавоби йўқ саволларимдан маънос тортардим.

Бундай тушунлиқ руҳиятга ҳам таъсир қиларкан. Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар туфайли оилавий шароитимизни ўрганиб чиқиб, “Аёллар дафтери”га рўйхатга қўйишганида айтирли ўзгариш бўлишига ишонмагандим. Маҳалла фаоллари банкдан кредит олишимни тавсия қилди, ижтимоий дафтарда турганим учун имтиёз асосида 30 миллион сўм олдим.

Шу асосда томорқамизда икки сотихли кичик иссиқхона барпо этиб, деҳқончиликни йўлга қўйдик. Бу кутганимиздан тезроқ натижа берганини кўриб жуда руҳландик. Ҳозирга келиб, қўшимча даромадимиз ҳисобидан иссиқхонани олти сотихгача кенгайтирдик. Йил давомида уч марта ҳосил етиштирамиз. Асосан, помидор ва бодрингдан барқарор даромад оляпмиз. Яна чорвачиликни ҳам йўлга қўйдик.

Даромадимиз яхши, шунинг ҳисобидан уй-жойимизни таъмирладик, қорамолларни



қўпайтирдик. Фарзандларимизни олий таълимда ўқитишни ният қилганмиз. Давлатимиз қўлаб-қувватлови билан шу даражага етишдик. Фикримча, бу йўналишдаги сиёсат эвазига Ўзбекистонда менга ўхшаб муҳтожликдан фаровонликка чиққанлар, тадбиркор бўлиб эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилаётганлар жуда кўп. Шунинг учун мамлакатимиз жуда тез суръатларда ривожланыпти.

Демоқчиманки, давлатимиз мана шундай шароит яратиб берган экан, биз бу ишонч, рағбат фурсатини имкониятга айлантириб, ҳақ оиламиз, ҳам юртимиз барқарорлиги йўлида бор куч-ғайратимизни ишга солишимиз талаб этилади. Шахсан ўзим бу талабни шараф билан бажараман.

## ҲАММАСИ ИЗГА ТУШДИ, УМИДИМ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Шоҳиста НУРМАМАТОВА  
Бухоро вилояти Қорақўл тумани:

— Турмуш ўртоғим ва бир болам ногирон. Шу бонис, рўзгорнинг кам-кўстини тўлдиршга ҳаракат қилардим. Айнакча, биринчи гуруҳ ногирони бўлган ўртанга фарзандимнинг парвариши, дорилари ва кундалик эҳтиёжини таъминлаш энг оғир синовлардан бири эди. Вояга етмаган уч боланинг кундалик харажатлари ҳам бунга қўшилиб, узоқ йиллар тинкамни қуритди.

Яхшиям орзу бор. Бу кунлар келишини йиллар бўйи кутиб, ният қилиб яшадим. Йўқса, билмадим, турмушнинг бу оғир синовларига қандай бардош берадими? Ҳар ҳолда ҳаётим қачондир ўнгиланишини билардим.

Шукрки, ўйлаганларим, яхши ниятларим рўёбга чиқмоқда. Давлатимиз халқимизни,



юртдошларимиз давлатимизни қўллаши ортдан мамлакатимиз тез ривожланыпти. Яъни бугун барчага тадбиркорлик, иш, ўқиб, спорт учун яхши шароит яратиб берилляптики, ундан унумли фойдаланаётганларнинг ютуғи

йиғилиб, Ўзбекистонимизни ҳар томонлама юксалтирмоқда. Асосийси, “Инсон қадри учун” ғоясига асосланган устувор ислохотлар туфайли биз каби эҳтиёжманд қатлам вакиллари ҳам ўзини бахтли ҳис қилмоқда.

2022 йилда “Темир дафтар”га кириптилдим. 2023 йилда “Маҳалла еттичилиги” ёрдами билан оилавий тадбиркорликни бошлаш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Ишни товук боқиш ҳамда туҳум сотишдан бошладим. Бу ишнинг харажати кам, асосий ишлар эса уйда бажарилади. Шу бонис, ҳам ишлаш, ҳам фарзандларим ва турмуш ўртоғимга ғамхўрлик қилишга вақтим кўпроқ бўлади.

Меҳнатда барака бор дейишади. 300 та товугим бор эди, ҳозир уларнинг сони икки мингтага етди. Ҳар кўни қарийб 1000 дона туҳум оламан. Харидорлар туҳумни уйимдан олиб кетади.

“**Турмуш қийинчиликлари мени баъзан бутунлай ёлғиз қолдиргандек туғулар, ҳаётда қандай йўл топаман, фарзандларимни қандай қилиб оёққа турғизаман деган ўйлар билан туналари бедор ўтирардим. Шукрки, давлатимизнинг ёрдами, эътибори орқали ҳаётим изга тушди, умидим қайта тикланди.**

Ҳаётимдаги бу қатта ўзгаришлар учун давлатимиздан бир умр миннатдорман. Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли қайтадан қаддим тикланиб, жамиятда ўз ўрнини тойдим.

Бугун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури натижасида халқимиз турмуш тарзида янги имкониятлар, янги саҳифалар очилмоқда. Кенг қамровли ислохотлар ҳар бир ҳудудда ўзининг аниқ натижасини бермоқда.

Қайси ҳудудга борманг, томорқадан унумли фойдаланиш, иссиқхона ҳўжаликлари, гулчилик ва кичик бизнеснинг турли йўналишларини ривожлантираётган фидойиларга дуч келасиз. Улар нафақат ўз оилаларига мустақам таъин, балки маҳалла ҳаётига янги руҳ ва ҳаракат бағишляётган янги давр ишбилармонларидир.

Улардан бир гуруҳининг ҳаёти билан танишар эканмиз, имкониятлардан унумли фойдаланиш асосида камбағалликдан чиқиб, муносиб ҳаёт даражасига эришганининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг ҳар бири ирода, меҳнат ва интилиш билан рўзгорига барака, ҳаётга эса ғўзал максадлар кирита олган.

Ҳа, инсоннинг фаровон, тўқин ва хотиржам ҳаёт кечириши, аввало, унинг ўзидаги ирода ва ҳалол меҳнатига боғлиқ. Хонадонда тинчлик, меҳнатда барака бўлишини истаган ҳар бир инсон бугунги ислохотлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз сай-ҳаракатлари билан тўқин ва тўқис ҳаётга эришиши мумкин.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Илгари робот ёрдамида бажариладиган жаррохлик амалиёти ҳақида эшитганимизда фантастик қурилма кўз олдимизга келарди. Энди эса бу янгилик бўлмай қолди. Робот технологиялар бугун юртимиз тиббиётига ҳам жадал қилиб келмоқда. Робот тизимлар жаррохларга тананинг энг нозик жойларида ҳам юқори аниқликда ҳаракат қилиш имконини беради. Шифокорнинг қўли титрамайди, робот ҳар бир ҳаракатнинг силлиқлиги ва аниқлигини таъминлайди. Анъанавий амалиётлардан фарқли ўлароқ, операция жараёнида катта кесмаларга ҳожат қолмайди. Танадаги кичик кесмалар орқали беморда амалиёт ўтказилади. Кам инвазив усулдан сўнг бемор операциядан кейин қаттиқ оғриқни хис қилмайди. Чандиқлар катта бўлмайди ва организм тезроқ тикланади.

Робот жаррохликдан фойдаланиш тўғрисидаги қарор касаллик турига ва беморнинг умумий соғлиғига боғлиқ. Бу усул одатда мураккаброқ ва етиб бориш қийин бўлган жойларда операцияга эҳтиёж сезилганда қўлланилади. Мисол учун, юрак ва ўпка хасталиклари, ошқозонни шунтлаш, урология, гинекология, онкология ва бошқа касалликларда фойдаланиш мумкин.

Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида шифокорларга яқин кўмакчи бўлган “REVO-I” русумли ноёб робот-хирург Жанубий Кореянинг “Meero” компаниясида ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг имкониятлари жуда кенг. Мазкур қурилма ёрдамида бажариладиган амалиётлар бемор ҳаёти учун муҳим бўлган бошқа аъзоларга таъсир қилмаслиги, минимал қон йўқотиш билан кечиши ва операциядан кейинги реабилитация жараёни қисқа экани билан аҳамиятли.

— Ўтган йилнинг ўзида Туркиядаги клиникаларга Ўзбекистондан қўллаб-қувватлаш мурожаат қилган, — дейди тиббиёт фанлари доктори Муҳамедзариф Баҳодирхонов. — АКШ, Германия, Жанубий Корея, Хиндистонга йўл олаётган беморлар сонини ҳам салмоқли. Натижада асорати кам жаррохлик амалиётлари учун катта маблағ сарфланади. Ана шу кам инвазив, мураккаб жаррохлик амалиётлари юртимизда ҳам роботлар ёрдамида муваффақиятли бажариламоқда. Шу кунгача робот кўмағида 500 дан ортиқ операция қилинган ва натижалар ижобийлиги мамлакатимиз тиббиёти жаҳон стандартларига яқинлашга татбиқ этилган.



# ТИББИЁТДА РОБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## ЁРДАМИДА МУРАККАБ АМАЛИЁТЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

Жаррохлик амалиётини робот ассистентининг афзалликлари кўп. Масалан, операция юқори аниқликда бажарилади. Жараён хавфсизлиги таъминланади. Шифокорда инсон танасининг мураккаб қисмлари ҳамда касалликнинг оғир даражаларида ҳам эркин ишлаш имкони пайдо бўлади. Албатта, юқори малакали, тажрибали хирург назоратида, робот кўмағида бажарилган амалиётдан сўнг бемор тезда оёққа туради. Асорат сезилмайди. Шифокорнинг эса операция пайтида хато қилиш эҳтимоли кам бўлади. Чунки робот барча буйруқларни мукаммал бажаради.

— Хорижда ўтказиладиган урологик операцияларга 50 минг долларгача сарфланиши мумкин, — дейди Муҳамедзариф Баҳодирхонов. — Мамлакатимизда робот кўмағида ўтказиладиган операцияга 15-20 қарра кам маблағ сарфланади. Аминманки, юртимизда бу соҳа жадал ривожланади ва энг мураккаб касалликларни даволашда юқори натижага эришилади.

Яқинда Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистонда биринчи марта робот-ассистент ёрдамида юқори технологияли операция қилинди. Марказий нерв тизими касалликларини даволашда янги имкониятларини очиб берган ушбу амалиёт муваффақиятли амал бўлди.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида жами 1,2 мингта яқин операция ўтказдик, — дейди Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази



директори Ғайрат Кариев. — Шундан қарийб 770 таси юқори технологик жаррохлик амалиётидир. Шундай ноёб амалиётлардан бири илк бор 6 ойлик чақалоқда бажарилди. Жажки бемор икки ойлигидан бошлаб доимий тутқаноқ хуружидан азият чекиб келган. Бу ҳол такороланавергач, сўнгги пайтларда хушони йўқотган. Тиббий амалиётда ўта мураккаб ва хавфли операция муваффақиятли

Жаррохлик амалиётини робот ассистентнинг афзалликлари кўп. Масалан, операция юқори аниқликда бажарилади. Жараён хавфсизлиги таъминланади. Шифокорда инсон танасининг мураккаб қисмлари ҳамда касалликнинг оғир даражаларида ҳам эркин ишлаш имкони пайдо бўлади. Албатта, юқори малакали, тажрибали хирург назоратида, робот кўмағида бажарилган амалиётдан сўнг бемор тезда оёққа туради. Асорат сезилмайди. Шифокорнинг эса операция пайтида хато қилиш эҳтимоли кам бўлади. Чунки робот барча буйруқларни мукаммал бажаради.

жорий этиш миллий нейрохирургия ривожига муҳим қадам бўлиб, аҳолига замонавий ва юқори технологияли тиббий хизматларни янада яқинлаштиради.

— Албатта, робот ўзи мустақил операция қилмайди, у шифокорга ассистент, ёрдамчи ҳисобланади, — дейди нейрохирург шифокор Хуришдбек Шавакбеков. — У операция жараёнида навигация ёрдамида мианинг қайси қисмида эканимиз ёки қайси қисмига

# ЮРТГА ҚАЙТГАН ЖАРРОХ ЮРАКЛАРГА МАДОР БЎЛЯПТИ

## Инсон қадри учун

Муборак туманининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Чори етим кишлоғига бир борган киши яна меҳмон бўлгиси келади. Одамлари содда, самимий ва меҳнаткаш. Улар бекорчиликни ёқтирмайди. Шу боис, кишлоқда ҳар бурчада тўпаниб, гап сотиб ўтирганларини учратмайсиэ. Қўлидан иш келадиган киши борки, дехқончилик, чорвачилик билан машғул. Мухими, топанани тўй-ҳашамга сарфлашни ёмон қўлади. Имкон топилди дегунча, фарзандларини илм олишига ундайди. Ёшлари ҳам илмга чанқоқ, интилувчан. Қўлида китоб, доим қайсидир танловларда иштирок этиш ниятида юради.

шифокорлардан бири ҳамроҳ бўлди. Адҳам унинг жаррох эканини билгач, ўзини қизиқтирган саволларини берди. Меҳмон ҳам йигитчанинг шифокорликка қизиқиши юқори эканини дарҳол сездди. Барча саволларига жавоб беришга ҳаракат қилди. Шифокор бўлиш учун нималарга эътибор бериш, қайси фанларини чуқур ўзлаштириш зарурлиги ҳақида эринмай гапириб берди.

Саволларига жавоб олган Адҳам энди ягона мақсад сари олға қадам ташлади. Мактабдан кейин кимё, биология, она тили фанларини кўпроқ ўқийдиган бўлди. Бундан ташқари, инглиз тилини ҳам мустақил ўргана бошлади. У танлаган йўл осон эмасди. Яъни юрак жаррох бўлиш истағи юқори эди. Бу мураккаб касбни эгаллаш ҳар кимнинг қўлидан келмаслиги унга маълум бўлса-да, мақсади сари қатъий интила бошлади.

Мактабни тамомлагач, 2003 йили Тошкент давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Пухта тайёргарлик самара бериб, Адҳам тест сновидан муваффақиятли ўтиб, юқори балл билан талабалikka тавсия этилди. Институтда уч йил ўқигач, 4-курсдан ўқишини Москва давлат тиббиёт академиясида давом эттирди. Академия имкониятидан унумли фойдаланди. Олийгоҳни тамомлаб, умумий жаррохлик бўйича яна бир йил ўқиди. Шундан сўнг академияда икки йил ординатура бўйича тахсил олди. Шу жараёнда Россиянинг Бақулев номидagi юрак-қон томир хирургияси илмий марказида ишлаб, тажриба оширди. Қатор малакали академикларга шоғирд тушди. Уларнинг кардиожаррохлик амалиётини шоғирд сифатида иштирок этди. Адҳамнинг соҳага муҳаббати, ўз устида тинимсиз ишлаш устозлар эътиборини тортиди. Шу сабаб соҳанинг етуқ мутахассислари унга ҳаммаша керакли масlahатлар беради, бу касбда хато қилиш асло мумкин эмаслигини уқтирарди. Адҳам Жалилов эса ҳеч икчилинишсиз жаррохлар қаторида бўлишга интиларди. Айнан бу савий-ҳаракатлар туфайли тажрибали юрак жаррохига айланди...

Кеска авлод вакилларининг айтишича, 1970-йилларда виллоятлар орасида биринчи-лардан бўлиб Қашқадарёда илк бор кардиология маркази бунёд этилган. Шундан сўнг шифо масканига етакчи мутахассислар жалб этилиб, айнан юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларни даволаш йўлга

қўйилган. Бу эса нафақат воҳа, балки қўшни виллоятлар аҳолиси учун ҳам катта қулайлик бўлган. Натижада одамлар вақт йўқотиб пойтахтга бормаган, балки шу ернинг ўзида даволана бошлаган.

Адҳам Жалилов. — 2017 йилда Тошкент шаҳрига ишга таклиф қилиндим. Албатта, бу мен учун қувончли воқеа эди. Ахир шунча билим ва малакамни ўз юртимда қўллаш имконияти пайдо бўлганди. Пойтахтда ишлаш жараёнида

— Илгари юрак-қон томир касалликларининг мураккаб жаррохлик иши бирорта виллоятда бажарилмаган, — дейди Адҳам Жалилов. — Бугун шундай имконият аксарият виллоятларда мавжуд. Бу, албатта, Президентимизнинг “Инсон қадри учун” тамойили асосида юритаётган сиёсати самараси. Тиббиётдаги ислохотлар туфайли соҳа халққа яқинлашди. Одамларнинг узоғи ақин, оғири енгил бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил февралда Қашқадарё виллоятга ташрифи чоғида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қарши филиалини ташкил этишга кўрсатма берди. Қисқа муддатда замонавий тилдаги филиал барпо этилди. 120 ўринли шифохонага энг замонавий тиббиёт жиҳозлари олиб келинди. Реабилитация ва юрак ишемик академиясида давом эттирди. Академия имкониятидан унумли фойдаланди. Олийгоҳни тамомлаб, умумий жаррохлик бўйича яна бир йил ўқиди. Шундан сўнг академияда икки йил ординатура бўйича тахсил олди. Шу жараёнда Россиянинг Бақулев номидagi юрак-қон томир хирургияси илмий марказида ишлаб, тажриба оширди. Қатор малакали академикларга шоғирд тушди. Уларнинг кардиожаррохлик амалиётини шоғирд сифатида иштирок этди. Адҳамнинг соҳага муҳаббати, ўз устида тинимсиз ишлаш устозлар эътиборини тортиди. Шу сабаб соҳанинг етуқ мутахассислари унга ҳаммаша керакли масlahатлар беради, бу касбда хато қилиш асло мумкин эмаслигини уқтирарди. Адҳам Жалилов эса ҳеч икчилинишсиз жаррохлар қаторида бўлишга интиларди. Айнан бу савий-ҳаракатлар туфайли тажрибали юрак жаррохига айланди...

Кеска авлод вакилларининг айтишича, 1970-йилларда виллоятлар орасида биринчи-лардан бўлиб Қашқадарёда илк бор кардиология маркази бунёд этилган. Шундан сўнг шифо масканига етакчи мутахассислар жалб этилиб, айнан юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларни даволаш йўлга



Қарши шаҳрида филиал барпо этилиши ва у ерда ҳам барча имконият яратилишдан хабардор бўлдим. Сўнг Қаршида ишлаётган жаррох марказининг Қарши филиали биноси қурилиши лойиҳасида иштирок этиб, тақдирларини билдирган эди. Ҳозир ўзи ушбу шифо масканида кардиожаррохлик бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қиляпти. Шу билан бирга, беморларда жаррохлик амалиётини ўтказиб, хасталар дарағига дармон бўляпти.

— Москвада саккиз йил ўқиб, етакчи мутахассислар устозлигида соҳани мукаммал ўрганиш имкониятига эга бўлдим, — дейди

нафақат виллоятдан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, қўшни давлатлардан ҳам беморлар келиб, дардига шифо топмоқда.

— Илгари ҳам ўзимизнинг Душанбе шаҳридаги марказий шифохонада юрагимни операция қилдиргандим. Бунга анча йил бўлди, — дейди тожикистонлик Баҳодир Раҳмонов. — Лекин кейинчалик яна беозов-талана бошладим. Аҳволим ёмонлашди. Танишларим шу шифохонадаги шароит ҳақида жуда яхши фикрларини айтиди. Келиб, тиббий кўрикдан ўтдим. Шифокорлар аҳволимни ўрганди. Юрагимнинг клапани-

кирмоқчилигимизни кўрсата олади. Яна бир вазифаси керакли нуктани юқори аниқликда топиб беришидир. Мисол учун, мианинг бир қисмида ўсмадан биопсия олиб тистологияга топширмоқчи бўлсак, робот ўша нуктага қанча чуқурликка киришимиз кераклигини кўрсатиб беради ва йўналтиради. Бош юзасида уч миллиметрли кесмадан кириб, ўсмадан қисм олишимиз мумкин. Олдингидай катта кесма, суякни аралашга ҳожат қолмайди. Минимал инвазив йўли билан бемор миёна-га электродлар ўрнатиш мумкин. Паркинсон, эпилепсия касалликларида ДБС, эпилепсия касаллигида стерео-ЭЭГ (СЭЭГ) электродлари ўрнатилади. Бунинг учун робот ёрдамида харита тузиб оламиз. Бу операциянинг муваффақиятли ўтиши ва муолажа самардорлигини таъминлайди.

Марказда робот ёрдамида бир ойда 15-20 беморга юқори технологик ёрдам кўрсатилади. Онкологик беморларда робот стереобиопсияда кенг қўлланилса, паркинсон ва дистония касаллигига ДБС электродларини ўрнатишда қўл келмоқда. Яқинда маҳаллий мутахассислар иштирокида бош миёда темир тўпланиши — PKAN (Pantothenate Kinase-Associated Neurodegeneration) пантотенат киназа билан боғлиқ нейродегенерация ташхиси қўйилган беморда жаррохлик амалиёти ўтказилди.

— PKAN бош миёда темирнинг ортиқча тўпланиши натижасида нерв ҳужайралари шикастланиши билан кечадиган ирсий, кам учрайдиган нейродегенератив касалликдир, — дейди нейрохирургия бўлими мудри Шохруҳ Зиёвадинов. — Касаллик PANK2 генидаги ўзгариш туфайли ривожланади ва асаб ҳужайраларида метаболит мувозанат бузилиши миёда темир тўпланишига олиб келади. Миёда темир ортиқча тўпланганда асаб ҳужайралари фаолияти издан чиқади, натижада ҳаракатлар мувофиқлашуви бузилади, мушаклар тортилиши (дистония), нутқ секинлашуви, юршида муаммолар, баъзан руҳий ўзгаришлар юз беради.

Ҳозирча бу касалликни тўлиқ даволаб бўлмайди. Бироқ замонавий тиббий ёндашувлар, жумладан, робот ёрдамида чуқур миёда стимуляцияси каби нейрохирургик усуллар қўлланилиши туфайли беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланмоқда.

Юртимиз соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, замонавий технологияларни амалиётда кенг жорий этиш, бу орқали аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун касалликларини эрта аниқлаш, диагностика ва даволаш ишларида янги имкониятлар ишга солинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жаррохлик амалиётларида робот технологиялар кенг қўлланилаётгани айрим мураккаб касалликларни муваффақиятли даволаш орқали аҳолининг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Рисолат МАДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ни алмаштириш керак экан. Аввалига анча иккиландим, бир оз қўрқдим ҳам. Шукрки, барчаси яхши ўтди. Соғлигим анча тикланди. Бунинг учун шифокорларга раҳмат.

Малакали шифокор Адҳам Жалилов ташаббуси билан ҳар йили қўллаб беморлар дараддан фориғ бўлмоқда. Жумладан, 2021 йилда 250 дан ортиқ кишида жаррохлик амалиёти ўтказилган. Уларнинг 50 нафардан зиёдида митрал клапанининг протезлаш ва лабиринт операциялари бажарилган. Республика миқёсида 150 дан ортиқ беморда аортокоронар шунтлаш, 40 га яқин одамда тўлиқ артериал коронар шунтлаш, 20 га яқин кишида коронар шунтлаш амалиёти “No tous” усулида бажарилган. 50 га яқин беморда юрак тугма нуқсонини ишлаб турган юракда бар-тараф қилиш амалиёти биринчилардан бўлиб Қашқадарё виллоятда ўтказилди.

Ёш кардиожаррохнинг меҳнати муносиб баҳоланди. У 2020 йилда Президентимиз фармони билан II даражали “Саломатлик” ордени билан мукофотланди. Тиниб-тинчиман Адҳам Жалилов 2023 йилдан Сурхондарё виллоятда ҳам минни инвазив усулда жаррохлик амалиётини бажаришни йўлга қўйди. Ҳозиргача виллоятдаги мингдан зиёд беморда шу амалиёт ўтказилди. Беморларни йиллаб қўйнаб келган хасталик даволанди.

— Илгари юрак-қон томир касалликларининг мураккаб жаррохлик иши бирорта виллоятда бажарилмаган, — дейди Адҳам Жалилов. — Бугун шундай имконият аксарият виллоятларда мавжуд. Бу, албатта, Президентимизнинг “Инсон қадри учун” тамойили асосида юритаётган сиёсати самараси. Тиббиётдаги ислохотлар туфайли соҳа халққа яқинлашди. Одамларнинг узоғи ақин, оғири енгил бўлди. Бундан ташқари, шифокорлар учун ҳам имкониятлар кенгайди. Шифокорларимиз керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Масалан, биргина шу йилнинг ўзида 350 дан ортиқ беморнинг юрағида жаррохлик амалиёти ўтказилди. Ҳозир марказимиз Россия, Германия, Швеция каби давлатларнинг етакчи кардиожаррохлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Улар билан доим онлайн масlahатлашамиз. Зарур ҳолларда тажриба алмашамиз. Мақсадимиз — умид билан келган ҳар бир бемор, албатта, шифо топиш.

Яна бир гап. Қажрамонимиз 2014 йилда Россияда тиббиёт фанлари номзоиди илмий даражасини муваффақиятли ёқлаган эди. Яқинда замонавий тиббиётда долзарб ва мураккаб йўналиш бўлган ўткир коронар синдром билан беморларда хирургик даволаш масалаларига бағишланган докторлик диссертациясини ёқлади. Соҳа вакиллари таъкидлашча, бугун ишлаб турган юракда жаррохлик амалиёти ўтказиш салмоғи Европада 20 фоиз бўлса, бошқа ҳудудларда 25-30 фоизни ташкил этади. Адҳам Жалилов эса жорий йилнинг ўзида камда эллиқ фоиз беморнинг айнан ишлаб турган юрагини операция қилган. Эътиборлиси, шу пайтга қадар ҳеч кимда ёмон асорат кузатилмаган.

Акбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

6

2025 йил 22 декабрь, 266-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Мулоҳаза

ТАСАВВУР ВА ТАРБИЯ  
ЧОРРАҲАСИДАГИ ТЕАТР

РАҚАМЛИ ОЛАМ ФОНИДА БОЛАЛИК  
ТАФАККУРИНИ АСРАШ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбек миллий театр санъатининг етук намоёндаларидан бири, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев сахнада қаҳрамон образини гавдалантириш ва асар танлаш хусусида сўз юритар экан: “Театрга томошабин фақат спектакль кўргани эмас, балки қаҳрамонларга ҳамдард бўлгани келади”, дея таъкидлаган эди. Ушбу фикр нафақат катталар, балки болалар театрига ҳам бирдек тааллуқли. Чунки кичик ёшдаги томошабинлар, катталардан фарқли ўлароқ, сахнада кўраётган воқеа-ҳодисаларга чин дилдан ишонади ва тасвирланаётган қаҳрамонга ўхшашни жуда-жуда истайди. Шу боис, кичик ёшдаги болаларга мўлжаллаб сахналаштирилаётган ҳар бир асарга имкон қадар эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим.

Бугунги кунга келиб, болаларнинг онги, дунёқараши ҳамда олам ва одам ҳақидаги тушунчалари сезиларли даражада ўзгариб, илгарилар бормоқда. Бунга эса бошқа соҳалар қатори театр санъатига ҳам замонавий илгор технологиялар кириб келиши, шунингдек, мобил телефонлар ва компьютерларга жойлаштирилган турли техник ўйинлар кўпайиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Табиийки, болалар сахнада — ширма ортида туриб жонлантирилаётган кўғирчоқ-персонажлардан кўра, тез фикрлаш ва шундай тезлик билан ҳаракатланишни талаб этаётган техник ўйинларга кўпроқ қизиқмоқда. Бундай ўйинларда болалар ўзини нафақат кузатувчи, балки иштирокчи ҳамда қаҳрамон сифатида ҳам яққол тасаввур этади. Демак, бугунги кун кўғирчоқ театри янги услубларда, болаларнинг тобора ўсиб бораётган талаблари ва дидига мос тушаётган асарларни танлаши ҳамда сахналаштириши зарур.

Шу муҳим жиҳатларни инобатга олган Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси замон талабларига жавоб бера олаётган сахна асарлари яратишга ҳаракат қилмоқда. Кейинги йилларда театр репертуари неча-неча авлод вакилларини ватанпарвар-

лик, ҳалоллик, тўғрисиўзлик, ватанга ва дўстга садоқат руҳида тарбиялаб келган турли эртак ҳамда афсоналардан ташқари айнан бугунги кун болаларининг одоб-ахлоқига, маънавий олами тўғри шаклланишига жиддий таъсир этаётган асарлар билан бойимокда.

Тўғри, болаларга мўлжалланган тўлақонли спектакль яратиш учун театр ижодкорларидан ўз ишига чинакам профессионал ёндашув талаб этилади. Чунки бугунги кунда “алдагани бола яхши” қабилида иш тутуши, енгил-елпи руҳда ёзилган асарларни сахналаштириш орқали болаларни театр санъатига қизиқтириб бўлмайди. Бу ҳақиқатни ўз вақтида англаган республикаимиздаги кўғирчоқ театрлари ҳозирги кунда катта ижтимоий-сиёсий, ҳатто фалсафий мавзулардаги асарларни муваффақият билан сахнага олиб чиқмоқда. Масалан, Ўзбекистон Миллий кўғирчоқ театри “Тўмарис”, Андижон кўғирчоқ театри Алишер Навоий достони асосида “Лайли ва Мажнун”, бухоролик ижодкорлар “Широқ афсонаси”, “Жалолиддин Мангуберди”, Қашқадарё кўғирчоқ театри “Қуш тили”, шунингдек, Т.Қобилов қаламига мансуб “Алп ўғлон” каби асарларни сахналаштириди.

Замон ва давр талабларидан келиб чиқиб, Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси ҳам ўз репертуарини муҳим ижтимоий аҳамиятга молик асарлар билан бойитишга интилоқда. Хусусан, кейинги йилларда “Широқ афсонаси”, “Дўстликнинг буюк қудрати”, “Кўғирчоғим ўйнайди, асли ростин сўйлайди”, “Қодирнинг қудирганда”, миллий ўзлик тушунчасини барқарорлаштиришда алоҳида ўрин тутайди.

Шу маънода, Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театрида сахналаштирилган “Ёмғир ёғдир, Суст хотин” спектакли ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ. Миллий фольклор намуналари асосида яратилган, мусиқа ва халқона кўшиқларга бой ушбу сахна асари ёш авлод-

тўғрисида ишонарли ҳамда қизиқарли сахналар орқали етарлича маълумотлар берилади. Жиддий мавзуларни қамраб олган драматургия манбалари асосида болалар оламига мос келадиган қизиқарли спектакллар яратиш осон иш эмас. Зеро, бундай асарлар замирида ёш томошабинларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдан ташқари, уларнинг

лардан бирортаси оқсаса, спектакль болалар онига таъсир этиш кучини йўқ қотайди.

Театр санъати орқали ҳаётий ҳақиқатларни келажакимиз ворислари — янги Ўзбекистон болалари онига сингдириш ва шу асосда мутлақо янгича фикрлайдиган, маънавий олами соф авлоднинг тарбиялаш, айнқиса, муҳимдир. Биз кутаётган ва умид боғлаётган, ҳар томонлама тўқис, баркамол авлод эса ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Замонамиз ёшларини, айнқиса, ҳали муррак бўлган болажонларни тўғри йўлга бошлашда қуруқ панд-насихатлар билан чегараланиш қийон қилмайди. Этуғликни, ватанпарварликни ва инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар кўпроқ бўлиши керак. Ана шундай амалий тарбия омилиларидан бири бўлган театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар тўғрисида, яхшилик ҳамда ёмонликнинг фарқи ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни сахнага олиб чиқишни зарур. Зеро, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини орттирадиган ва ориятини қучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш бугунги куннинг долзарб талабидир.

Зарифа МАМАТОВА,  
Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри адабий-бадний бўлими мудир

Тошойна

“101” фильмида 1941 йили Смоленск яқинида асирга тушиб, кейинчалик Нидерландиянинг Амерсфорт концлагерига жўнатилаган 101 нафар ўзбек йигитининг фожияли қисмати ҳикоя қилинади. Бу йигитлар нацистлар раҳбари Йозеф Геббельснинг буйруғига биноан немис тарғиботи учун махсус танлаб олинади. Фашистлар улар орқали “совет асирлари оч ва ожиз” деган тасаввурни яратишни мақсад қилади. Шу ниятда асирлар қасддан узок вақт оч қолдирилади. Сўнг тасвирга олиш ишлари бошланиб, уларнинг олдига бир дона нон иргитилади. Бирок воқеалар ривожини душман кутганидек тус олмайди. Очликдан силласи қуриган йигитлар бир лаҳза жим қолади, сўнг улардан бири нонни эҳтиёткорлик билан олиб, тенг бўлақларга бўлади ва ҳар бир асирга ўз улушини узатади. Ҳеч ким нон талашмайди, ҳеч ким бировнинг ҳақиқа кўз олайтирмайди.

# ТАОМ

ейиш беллашувлари:

# СОВРИН

# СОҒЛИҚДАН

# УСТУН ЭМАС

“Агар етарли миқдорда таомлансак, танимизга жабр қилмаймиз. Арастудан: “Сен нега сира касал бўлмайсан, бошқалардан фарқинг нимада?” деб сўраганларида, у “Бошқалар ейиш учун яшайди, мен эса яшаш учун ейман”, деб жавоб берган экан.

етказди, балки унинг узок муддатли асоратлари семизлик, қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари каби оғир хасталиқларга сабаб бўлиши мумкин.

Демак, бу кўнгилочар кўринишдаги шоу-мусобақада ғолиб деб топилган иштирокчи аслида мағлубдир. Чунки кўлга киритилаётган арзimas соврин унинг учун энг катта бойлик саналиши саломатлиги эвазига қозонил-моқда.

— Мусобақалашиб овқатланиш кўпична стресс, руҳий безовталик ёки хавотир ҳолати билан боғлиқ бўлади. Бундай пайтда инсон ҳиссиётларга берилган ҳолда ортиқча ва тез-тез овқат ейиши мумкин, — дейди гастроэнтеролог Нодир Ғозиев. — Бу ҳолат, яъни бўкиб овқатланиш инсон организмига катта зарар етказиши. Таом меъридан зиёд

миқдорда қабул қилинганда меъда деворлари сунъий равишда чўзилади. Натижада ҳамжараёни секинлашади, қоринда оғирлик, дам бўлиш ва оғриқ каби нохуш аломатлар пайдо бўлади. Агар бу ҳолат мунтазам такрорланса, вақт ўтиши билан меъда шиллиқ қавати шикастланиб, гастрит, рефлюкс, ҳатто меъда яраси ривожланиши мумкин. Бўкиб ейиш оқибатда организм керагидан ортиқ калория тўплайди. Ушбу калориялар ёғ кўринишида жамланиб, семизлик, қандли диабет ва юрак-қон томир касалликларига олиб келади. Шунингдек, ортиқча овқатланиш қон босими ошиши, юракда оғриқ ва нафас қисилиши калибилари ҳам келтириб чиқаради.

Шу боис, овқатланиш маданиятига риоя қилиш, эҳтиётга яраша ва хотиржам ҳолда таомланиш жуда муҳим. Овқат етарли

миқдорда, тинч муҳитда ва шошилмасдан ейилганда ҳам тизими соғлом ишлайди, организм ортиқча юкланишдан ҳимояланади ва умумий соғлиқ барқарор сақланади.

Бундан ташқари, бу каби овқатланиш мусобақаларининг инсонга ижтимоий ва психологик таъсири ҳам жиддий мавзудир. Беллашувларнинг шоу тарзида ташкил этилиши ва ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиши, айнқиса, ёшлар онгига нотўғри дунёқарашни шакллантириши мумкин. “Кўп ейиш” орқали эътибор қозониш ёки моддий муқофот олиш гоёси қадриятларга зид бўлиб, жамиятда меъёрсизлик ва исрофгарчиликни тарғиб қилади. Шу боис, бундай шоу-мусобақаларга нисбатан соғлом тафаккур ва масъулиятли ёндашувни шакллантириш долзарб аҳамиятга эга.

— Овқат ейиш мусобақалари ҳозирги кунда оммавий маданиятнинг ажралмас қисмига айланмоқда, — дейди психолог Назоқатон Йўлчибеова. — Кўплаб йирик медиа майдонлар ва интернет платформалари бу турдаги мусобақаларни тарғиб қилмоқда. Беллашувларнинг шоу ва кўргазмали кўринишда ижтимоий тармоқларда тарқалиши эса ёшлар онгига нотўғри руҳий моделлар шаклланишига замин яратиши мумкин. Иштирокчиларнинг саноқли дақиқаларда юқори калорияли таомларни истеъмол қилиши кўпична “тезорлик” ва “жадаллик” рамзи сифатида кўрсатилган. Бу эса ёшларда соғлом овқатланиш тартиби бузилишига, ортиқча истеъмол ва ёт одағлар шаклланишига олиб келиши ҳеч гап эмас. Ижтимоий босимнинг ўрни ҳам сезиларли: “бошқалар каби қилиш керак”, “ундан нима кам” қабилидаги фикрлар инсоннинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Илмий нуқтаи назардан қараганда, бундай мусобақалар организмнинг табиий сигналларига зид ҳаракат қилиш демакдир. Табиий тўқлик ва тўйинганлик ҳисси сунъий равишда бузилади. Бу нафақат ошқон-ичак тизими, балки бутун организм учун стресс манбаига айланади. Шу сабабли бундай мусобақалардан воз кечиш ҳамда парҳезли, сифатли овқатланишни асосий қоидага айлантириш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, бугунги замонда озиқ-овқат мўл-кўл ва турфадир. Газаклар ва соуслар эса гени модификация қилинган маҳсулотлар ҳамда трансёлар ёрдамида янада лаззатли қилиб тайёрланган. Ғазли ичимликлар ва турли ширин шарбатлар иштакани очигина хизмат қилади. Шунга кўра, бёзбан бир ўтиришда икки-уч хил таомни, унинг устидан салатлар,

мева шарбатлари ва ширинликларни ҳам истеъмол қилишимиз мумкин. Тўйларда эса бу ҳолат янада яққолроқ кўзга ташланади — таомларнинг сероб ва ранг-баранглиги одамни кўпроқ ейишга ундайди. Аммо шундай мўл-кўлчилик ва турли-туман егуликлардан фойдаланишда меъёрни сақлаш жуда муҳим. Агар етарли миқдорда таомлансак, танимизга жабр қилмаймиз. Арастудан: “Сен нега сира касал бўлмайсан, бошқалардан фарқинг нимада?” деб сўраганларида, у “Бошқалар ейиш учун яшайди, мен эса яшаш учун ейман”, деб жавоб берган экан.

Ачинарлиси шундаки, ҳозирги кунда ейиш учун баҳшлашадиган, “мечкайлик” мусобақаси ишқибозлари сони кескин ортиб бормоқда. Агар авваллари иштирокчилар, асосан, йўл-йўлакай тасодифан қатнашган бўлса, ҳозир бошқа шахарлардан ҳам ғолиб бўлиб, ижтимоий тармоқ “юлдузи”га айланиш орузидагилар ошхоналарга оқиб келмоқда. Бу қатлам орасида аёллар ва ёш болалар ҳам кам эмас.

Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган видеоларда кўпична ошхона эгалари ғолибни тақдирлаш жараёнини тантанали тарзда ташкил этади. Бирок улар бу билан чекланиб қолмайди — янги, янада “қудратли” иштирокчиларни қорлаш орқали рақобат муҳитини қучайтиришга ҳаракат қилади. Бундай чорловларда турли манзилдан ёки ёш тоифаларига муражаатлар қилинади, ҳатто баъзан кимнингдир иззат-нафисига тегадиган ибора-лар ишлатилади. Натижада бу ҳолат шунчаки овқат ейиш беллашувидан кўра, ҳаёт-мамонт курашини еслатувчи муҳитни юзага келтиради. Шу зайдда янги номэодлар ўз “шайни-ни ҳимоя қилиш” ёки “зўрлигини исботлаш” ниятида ўша ошхонага йўл олади.

Агар шу турдаги “мечкайлик” мусобақалари оммалашаверса ва уларнинг ғолиблари қаҳрамон сифатида тарғиб этилса, табиийки, уларга тақдир қилувчилар сони ҳам ортиб бораверади. Аммо ўйлаб кўрайлик-чи: бу “чемпионатлар” ортида нималар ётибди? Ким ғолиб — инсонни ёки нафс? Аслида, бундай мусобақаларда инсон нафсининг ғалабаси намоён бўлади. Қатнашувчи овқатни эмас, аксинча, ортиқча овқат унинг соғлигини, умрини “ёб қўйиши” мумкинлигини англаши керак. Шунинг учун таъминлик: овқатланганда қорнимиз эмас, аввало, кўнглимиз тўлсин.

Шухрат НОРМУРОДОВ,  
журналист

|                                                                 |                                        |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |                                                                                                                                                                                                                      |
|-----------------------------------------------------------------|----------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ | Бош муҳаррир:<br><b>Салим ДОНИЁРОВ</b> | Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.<br>Газетанинг етказиб берилиши учун оубунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.<br>Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.<br>Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.<br>Босмахона телефони: (71) 233-11-07. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.<br><b>Нашр иқдиси</b> — 236. <b>Буюртма</b> Г-1246.<br>14211 нусхада босилди.<br><b>Ҳажми</b> — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. <b>Қоғоз бичими</b> А2.<br>Баҳоси келишилган нархда. | Навбатчи муҳаррир: Сардор Толиббеов<br>Мусаххих: Насиба Абдуллаева<br>Дизайнер: Хуришд Абдуллаев<br><br>Манзилимиз:<br>100060, Тошкент шаҳри,<br>Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй<br><br>ЎЗА якуни — 02:45 Топширилди — 03:00 |
| Қабулхона: (71) 233-56-33                                       | Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98  | E-mail: info@yuz.uz                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | Веб-сайт: www.yuz.uz                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              | (71) 233-47-05                                                                                                                                                                                                       |